

Лара Эдриан

ТУНГИ ТАШРИФ

Роман

Нодирабегим Иброҳимова

таржимаси

Аннотация

“Ярим тун ҳукмдорлари” романлар туркуми АҚШда энг кўп ўқиладиган асарлар сирасига киради, улар дунёнинг 15 тилига ўгирилган бўлиб, бир неча йиллардан буён интернет порталларида етакчи рейтингни эгаллаб келади. Соф муҳаббат ва ҳалокатли қўрқув, қонли қасос ва ғурур, маккорона хиёнат ва бурчга садоқат каби туйғулар Лара Эдриан асарларидаги етакчи мавзулардир.

Биринчи боб

Оппоқ камзул ва оч сарғимтир рангдаги кенг шим кийиб олган аёл бу ерда ўнғайсиз тургандек кўринарди. У тоғ ён бағридаги қияликда, улкан қоялар соясида тик турганча кимнидир кутарди. Аёлнинг оёқларида ингичка пошналар туфли бўлса-да, бу ерга ҳеч қийналмай чиқиб олгандек. Бошқа сайёҳлар эса тоғ йўлидан кўтарилишар экан, июлнинг жазирамасида ҳансираб қолишганди.

Аёл ҳеч сўз демас, елкасида тўлқинланиб турган узун, қўнғир сочларининг бирор толаси ўрмон шабадасида ҳилпирамасди. Сайёҳлардан айримлари тўхтаб, турфа суратлар олишди, бироқ уларнинг ҳеч бири аёлни пайқамади. Ҳолбуки, ҳайратланадиган ери ҳам йўқ. Тириклар марҳумларни қандай кўрсин.

Дилан Александер ҳам кўришни истамаганди.

У арвоҳларни охириги марта болалигида, ўн икки ёшида кўрганди. Мана, орадан йигирма йил ўтиб, у айнаи чоғда Чехияда марҳум билан тўқнаш келди. Дилан ўзини арвоҳни кўрмаганга солди, аммо учта шериги билан сўқмоқдан ўрлар экан, аёл унга ўгирилиб деди:

– Сен мени кўраяпсан.

Дилан унинг ҳаракатсиз лабларидан учган сўзларни гўё эшитмагандек йўлида давом этди. Унинг ўликлар билан сира тиллашиш нияти йўқ эди. Бундай даҳшатлардан аллақачон халос бўлган, мурдалар билан қандай муомалада бўлишни ҳам унутмаганди.

Дилан ўзида бундай қобилият қандай пайдо бўлганини билмайди. У бундан қутулолмади ёинки уни бошқаришни ҳам ўрганолмади. Дилан қабрлар тепасида турганча ҳеч кимни кўрмас, бироқ қутилмаган ерда арвоҳ билан тўқнашиб қолиши мумкин эди. Дейлик, бугун ҳам, Прагадан бирор соатлик масофадаги тоғ йўлида марҳумни учратаман, дея сира хаёл қилмаганди.

Арвоҳлар, кўпинча, ёш аёл ёки қиз бола қиёфасида кўриниш берар, Диланга катта-катта тўқ жигар ранг кўзлари билан қараб туришарди.

“Мени тинглашинг керак”, - ўтинди руҳ испанча талаффузда шивирлаб.

– Эй, Дилан, бу ёққа кел, сени мана бу қоялар олдида суратга тушираман.

Тирик инсон овози Диланни ёғингарчиликдан кейинги нам тортган қоя олдида чайқалиб турган арвоҳдан чалғитди. Онаси Шероннинг дугонаси – Женет йўл халтасидан фотоаппаратни чиқарди. Ёзда Европага бориш фикри Шерондан чиққанди, у оламшумул саёҳатни орзу қиларди. Бироқ саратонга қарши кимётерапия муолажаларини олишига тўғри келди, шундан сўнг аёл ўзини оғир сезиб, саёҳатга чиқа олмади. Яқинда Шерон ўпка яллиғланиши билан оғриб, шифохонага тушиб қолди. Шу тариқа Европага онаси ўрнига Дилан учадиган бўлди.

– Олдим! – деди Женет Диланни тоғ чўққилари ва пастга қараб чўзилган водий манзарасида кадрга муҳрларкан. – Аниқ биламан, бу сурат онангга жуда ёқади, азизам. Юракни энтиктирадиган тасвирлар...

Дилан бош ирғади:

– Кечки пайт меҳмонхонага қайтгач, суратларни унинг элактрон манзилига юбораман.

Шундай деб у нариги оламдан уни чорлаётган меҳмонни кўрмаслик учун қоялардан узоқлашди. Дилан ҳамроҳлари билан қияликдан ёш ва ингичка қайрағочлар зич ўсган пастликка қараб туша бошлади. Оёғига сўқмоқ бўйлаб тўшалган, ўтган йилдан қолган қизғиш-жигар ранг нам барглар ва қарағай ғуддалари илашарди. Эрта тонгдан ёмғир ёққани-ю намгарчилик кўплаб сайёҳларни чўчитганди.

Ўрмон сокинликка чулғанган, фақат арвоҳнинг қадалиб турган нигоҳларигина Диланни безовта қиларди.

– Бошлиғингни рухсат бергани зўр бўлди-да, – деди орқада келаётган ҳамроҳларидан бири. – Газетада тиним билмай ишласанг керак, шунча ҳикояларни ёзишга қанча куч керак...

– Мари, у ҳикоя ёзмайди, – Женет одоб билан унинг гапини тўғрилади.
– Дилан ёзган барча мақолалар ҳаётий далилларга асосланган, бўлмаса газета уни чоп этмасди. Тўғрими, азизам?

Дилан жилмайди:

– Тўғрисини айтсам, биринчи саҳифада босиладиган ўзга сайёраликлар томонидан ўғирлангану ёвуз кучлар билан тўқнашган одамлар ҳақидаги ҳикояларда аниқ далилларга таяндик, деб одамларни ишонтириш қийин. Бизнинг газетамиз кўнгилочар нашр, у ўқувчиларда жиддий фикр-мулоҳазалар уйғотишга қаратилмаган.

– Онангнинг айтишича, кун келиб машҳур журналист бўлиб кетар экансан. Худди Вудворд ва Бернстайн¹га ўхшаб, – деди Мари.

– Ҳа-да, – маъқуллади Женет. – Билсанг, онанг менга коллежни тамомлаганингдан кейин ёзган биринчи мақолангни кўрсатган: штатнинг шимолидаги қандайдир даҳшатли қотиллик ҳақида. Эсингдадир, азизам?

– Албатта, – жавоб берди Дилан нишабликдан яшил маскан сари эниб боришаркан табиатга мафтун бўлиб. – Эсимда, фақат бунга анча бўлди.

– Нима иш билан машғуллигинг муҳим эмас, муҳими, онанг сен билан фахрланади, – давом этди Мари. – Сен унинг бор қувончисан.

Дилан бош ирғади ва оғир ютиниб, базўр жавоб берди:

– Раҳмат.

Женет ҳамда Мари унинг онаси билан Бруклиндаги қочқин болалар ва ўсмирлар Марказида ишлашади. Уларнинг гуруҳидаги тўртинчи аёл – Ненси. Ненси Шероннинг мактабдош қалин дугонаси. Бу уч аёл охирги ойларда Диланга ўз оиласидек бўлиб қолди. Онасидан айрилаётган паллада Дилан уларгагина суянарди. Дилан ич-ичидан бу айрилиқ исталган пайт юз беришини биларди.

Дилан онаси билан анчадан бери бирга яшайди. Отаси уларни ташлаб кетганда Дилан ёш қизча эди. Ота кетар чоғигача ҳам бирор марта оталик туйғусини ҳис қилмаган. Диланнинг икки акаси ҳам бор эди. Улардан бири

¹ Боб Вудворд (1943 й.) ва Карл Бернстайн (1944 й.) – “The Washington post” газетаси мухбирлари.

автоҳалокатда вафот этди, иккинчиси эса бир неча йил аввал ҳарбий хизматга кетди ва шу билан ном-нишонсиз йўқолди. Дилан онаси билан бирга оила ташвишини елкасига олди, улар бир-бирларига оғир дақиқаларда кўмакдош бўлди, байрамлару арзимас ютуқларни ҳам бирга нишонлашди.

Дилан онасидан сўнг бутунлай ёлғизланиб қолишини ўйлашни ҳам истамасди. Ненси Диланга илиқ, бироқ маҳзун жилмайди:

– Шерон биз билан саёҳатга чиққанингдан хурсанд бўлди, энди у сенинг кўзларинг билан дунёни кўради.

– Шундай. Онам бундай саёҳатларни жон-дилдан яхши кўрарди.

Дилан ҳамроҳларига ҳам, онасига ҳам икки ҳафталик таътил уни ишдан қолдиришини айтмади. Очиғи, бу уни унчалик ташвишга ҳам солмасди. Аслида, арзонгаров сариқ матбуот аллақачон жонига теккан. У бошлиғига саёҳатдан ғаройиброқ нимадир топиб келишга ваъда қилган: бирор қор одами ҳақида богемча ҳикоями ёки Дракула ҳақидаги қандайдир янгилик...

Лекин бундай ёлғонлар билан алдаш қийин-да. Бошлиғи агар оламшумул нимадир топиб келмасанг, иш столига қайта ўтирмайсан, дея аниқ-тиниқ тушунтирган.

– Ҳу-у, бу ер иссиқ экан, – чуқур нафас олди Женет кул ранг жингала сочларидан бейсболкани ечиб пешонасини артаркан. – Жамоамиздаги энг рамақижон саёҳатчи мен бўлсам керак ёки мендан бошқа бироз дам олишни истайдиганлар ҳам борми?

– Мен ҳам жон деб сенга қўшиламан, – жавоб берди Ненси. Сўнг йўл ҳалтасини олиб баланд қарағай остига қўйди. Мари ҳам сўқмоқ йўлда тўхтади-да, сув ича бошлади. Дилан ўзида сираям чарчоқ сезмас, йўлда давом этишни, олдинда уларни кутиб турган бетимсол манзараларни кўришни истарди. Чехия тоғларида кезиш учун улар атиги бир кун ажратишган, ҳали улгуришлари керак.

Бунинг устига, ёш ва гўзал аёлнинг арвоҳи сўқмоқ йўлда баъзан кўзга ташланар, баъзан ғойиб бўларди. Рух уни кўздан қочирмасди.

“Менга қара”.

Дилан ундан кўзларини олиб қочди. Женет, Мари ва Ненси ерга ўтириб олиб, оксилга бой батонча, қуруқ мевалару ёнғоклардан тотинишди.

– Ейсанми? – Женет унга ҳам қоғоз халтачани узатди.

Дилан рад этди:

– Ҳозир ҳаяжондан тўлиб-тошиб турибман, томоғимдан ўтмайди. Хўп десангиз, дам олгунингизча атрофни айланиб келаман. Тез қайтаман.

– Албатта, азизам. Ёш бўлсанг, ҳали кучинг бор. Фақат эҳтиёт бўл.

– Хўп. Қолиб кетмайман.

Дилан сўқмоқдан қайрилиб, ўрмонга ичкарилади. У атайин арвоҳ турган жойдан йўлини тескари бурди. Бир оз юриб, табиатнинг гўзаллиги ва сокинлигидан ҳузур туйди. Бу сирли ва кўҳна қумли қоялар заминида нимадир бордек. Дилан тўхтаб, онаси учун бир нечта суратлар олди.

“Мени тингла”.

Аввалига Дилан арвоҳни пайқамади, фақат пичирлашини эшитди. Аммо кейин оқ шарпа яқинлаша бошлади. Руҳ унинг қаршисидаги дўнгликда пайдо бўлди.

“Ортимдан юр”.

– Таклиф хавфдан холи эмас, – ғудранди қиз нигоҳини сўқмоқлари тарвақайлаган улкан тоғ ёнбағирларга тикиб. Тепаликда янада мафтункор манзаралар бўй кўрсатади, бироқ Диланнинг ўзга оламдан келган ҳамроҳи билан сайр қилишга тоқати йўқ.

“Илтимос... унга кўмак бер”.

“Ёрдам бер”.

– Кимга ёрдам берай? – сўради Дилан, арвоҳ уни эшита олмаслигини билса-да.

Ҳа, руҳлар уни сира эшитмасди. Бу фақат бир тарафлама ўйинга ўхшайди: арвоҳлар хоҳлаган вақтларида пайдо бўлишади, истаганларини гапиришади. Кейин эса кучдан қолиб, тумандек тўзиб кетишади.

“Унга ёрдам бер”.

Арвоҳ шаффоф тўлқиндек тебрана бошлади. Дилан аёлни кўздан кочирмаслик учун дарахтлар орасидан қорачиқларига санчилаётган куёш нурларини кафти билан тўсди. Нима қилаётганини яхши англамай, қайрағоч ва қайин бутوقларига осилиб, дўнгликка кўтарила бошлади.

Дилан рух турган тепаликка чиқиб олгач, уни тополмади. Унга яқин жойдаги ёмғир ва шамол кумга тўлдирган қоянинг тор тирқишларини бир қарашда сезиш қийин эди. Қоронғи туйнуклар қаъридан эса арвоҳнинг шивирлаши эшитилди.

“Уни қутқар”.

Дилан аланглади. Атрофини фақат тоғ ўрмонлари ўраб турарди. Бирорта тирик жон кўринмасди. Уни шу ергача олиб чиққан рух ҳам ғойиб бўлганди. Дилан тор ва зимистон тирқишга назар солди, сўнг қўлини тикиб кўриб, намлик ва захни сезди. У ердан бирор товуш эшитилмасди.

Сағана сукунатидек жимжитлик.

Дилан халқ афсоналарида тасвирланган махлуқлар борлигига ишонганида, шу тешик ичидан чиқиб келаётган қандайдир ваҳший жонланишни улар ўрнида қабул қилар эди. Аммо Дилан мўъжизаларга ишонмайди. Унга зиён етказмайдиган нариги дунё вакиллари кўра олиш қобилиятини ҳисобга олмаганда, Дилан мантиқий фикрлашга мойил эди.

Ҳақиқий журналистларга хос қизиқувчанлик уни тирқиш ортида нима яширганини аниқлашга ундади. “Агар арвоҳга ишонсак, кимдир ёрдамга муҳтож. Эҳтимол, бирор кимса жароҳат олиб у ердан чиқа олмай ётгандир? Тоғда адашиб қолиб, шу ёриқдан пастга қулагандир?”

Дилан сафар халтаси чўнтагидан кичик фонарча чиқарди ва хира нурни қоронғиликка йўналтирди. Фақат шундагина исканадан қолган қиртишларни илғади, худди кимдир атай тешикни кенгайтиргандек. Аммо бунга анча бўлган чоғи: ёмғир ва шамол асбоблардан қолган қиртиш изларини ювиб кетганди.

– Эй! – пастроқ овозда бақирди Дилан қоронғиликка қараб. – Кимдир борми?

Жимлик.

Дилан йўл халтасини ечиб, бир қўлига ушлади. Иккинчи қўли билан фонарни тутиб тирқиш ичига кирди. Агар тўлароқ одам бўлганда тирқишга ёни билан тикилиб қолган бўларди. Тешик аввалига тор эди, сўнг кенгая бошлади.

Дилан ўзини ғорда кўрди. Бу ғор бўм-бўш бўлиб, фақат шифтда кўршапалаклар шовқин солишарди. Бу ер ҳунармандлар устахонасидек таассурот уйғотди. Шифт чамаси йигирма фут баландликда бўлиб, деворларда иероглифларга ўхшаш ғалати суратлар: сулолавий белги ва геометрик шакллар, тўр-тўр нафис безаклар акс этарди.

Ғаройиб суратларга маҳлиё бўлган қиз фонар нурларини тўғрига қаратди ва нафасини ютганча ёришиб кўринаётган бутун деворлардаги қадимий нақшларни томоша қила бошлади. Дилан ғор марказига қараб одимларкан, оёқ кийими ичида пайпоғига нимадир илашди.

– Оббо!

Тошбақа экан. Гира-ширада тошбақа оқариб кўринар ва қора кўзлари билан Диланга бакрайиб қараб турарди. Агар арвоҳ аёл шу жониворни қутқаришни сўраб ўтинган бўлса, унда Дилан камида юз йилга кечикибди.

Қиз фонарни ғор ичкарасига тутди, гарчи нимани кўрмоқчилигини билмаса-да, қандайдир мўъжизага гувоҳ бўлишга ошиқарди. Фонар нури устихонни ёритди. Бу марҳумнинг суяклари жуда қадимийга ўхшарди.

Кутилмаган елвизакдан жунжиккан Диланнинг қўлларида чумоли ўрмалагандек бўлди. Шу лаҳзада кўрдик...

Катта тўғрибурчакли тошга ҳам девордаги каби нақшлар солинган. Дилан яқин бормаслиги керак: у сағанага келиб қолди, қаршисида эса тош тобут турарди. Уни ёпиб турган улкан табақа жойидан силжиганди. Бунга одам боласининг кучи этмаслиги аниқ.

Наҳотки, унинг ичида кимдир ёки нимадир ётган бўлса?

Дилан тобут ичига назар солишни жуда истарди. Эҳтиёткорлик билан бир неча кадам ташлади, фонар ушлаган қўллари терга ботди. Унчалик яқин бормай тобут ичига фонар тутди.

Бўм-бўш.

Қизик, тобутнинг бўшлиғи қизни кўпроқ кўркувга солди, у бу ерда марҳум хокини кўрарман деб ўйлаганди. Тепасидаги кўршапалаклар безовталаниб, қийқириб пастга шўнғий бошлашди. Дилан улардан пана бўлиш учун энгашди ва бу ердан чиқиб кетмоқчи бўлди.

Ўгирилиб чиқиш тарафни аниқламоқчи бўлиб турганда, қандайдир товуш эшитилди. Бу кўршапалаклар шовқинига ўхшамасди. Тобут қопқоғи гумбурлаб, заиф хиркироқ овоз эшитилди.

“Эй худо, балки сағанада ёлғиз эмасдирман?”

Қизнинг сочлари тиккайиб, юраги безовта ура бошлади ва шу лаҳзада у ғайриоддий ҳодисаларга ишонмаслигини эслаб, ўзига танбеҳ берди.

Пайпасланиб чиқиш тарафга юрди, қаердадир қон томчилади. Ташқарига чиқаркан, Дилан куёш тафтида енгил нафас олди. Сўқмоқдан пастга қараб тушди ва уни кутаётган шериклари томон шошилди.

У яна Евани туш кўрди.

Ўлимидан сўнг Ева уни тушларида таъқиб этарди, гўё тириклигида қилган хиёвати камдек... Аммо барибир у гўзал ва маккора! Аёл хатолари учун афсус чекар, барини тузатишини бот-бот таъкидларди.

Бироқ у Еванинг бирорта сўзига ишонмади.

Тушларида аёл бир йил аввал қилган қабихлиги учун узр сўраб, кўз ёш тўкарди. Ева ўз афсус-надоматларига ишонтириб, ҳозир ҳам, кейин ҳам уни севишини айтиб ёлворарди.

У мутлақо унутишни истаган эски, азобли хотираларни ёдга соларди. У аёлга ишонди ва азобда қолди. Хотираларида унинг қиёфаси, сўнг бутун шаклу шамойили жонланди. У ўлим каби азобли жароҳатларидан ҳалиям соғаймаган.

Ҳуши жойидамикин ўзи?

Рио ниҳоят ўйларида халос бўлиб, чинакам ҳаёт ичида, Богем тоғларида эканини англади. Мана энди ҳаммасига нуқта қўйиш мумкин эди. Томирида инсон ва ўзга сайёраликлар қони оқаётган Сулола вакили энди ташқарига чиқиши ва ўзини қуёш нурларига тутиб бериши мумкин. Нур бўлса бир лаҳзада унинг кулини кўкка совуради. Рио айнан шундай йўл тутмоқчи эди. Аммо олдида бажарилмаган бир вазифа бор: сағана озғини маҳкам ёпиб, ўз сирини мангуга кўмиши керак.

Рио вақт ҳисобини унутган, бу ерда қанчадан буён ётганини ҳам билмасди. Кунлару тунлар, ҳафталару ойлар тинимсиз айланарди. У бу ерга Орден жангчилари билан келганди. Уларга неча юз йиллар аввал шу тоғларга яширинган Кадимий вампирни топиб, йўқ қилиш буюрилганди.

Бироқ улар кечиқишди.

Сағана бўш эди. Вампирни кимдир халос этганди.

Рио қолишга ва даҳмага кириш йўлини бузишга аҳд қилди, қолган жангчилар эса ортга, Бостонга қайтиб кетишди. Рио улар билан қайтишни истамади, у энди қаердан ҳам бошпана топсин. У ўзлигини англаш учун шу сағанада қолди.

– Балки ўз ватаним Испанияга қайтарман, – деди у ака-укаларидек бўлиб қолган жангчиларга. Аммо бундай бўлмади. У барини ортга суриб, юракни эзувчи ноаён беқарорлик ичида азоб чекиб ётаверди.

Рио қалбининг туб-тубида бу сағанани ташлаб кетишни истамас, аммо бажаражак вазифасига киришиш учун қулай вақтни кутарди. Бу билан у ўз-ўзини алдар, аслида, вақтни чўзарди.

Қиш ўрнини ёз эгаллади, у эса ҳамон кўршапалакдек сағанага беркиниб ўтирарди. У ов қилишу овқатланишни ҳам бас қилди.

Рио барига чек қўйишга қатъий аҳд қилди.

Тепада детанатор ва С-4¹ портлатгичи турарди. Унинг кучи билан сағанани абадий ёпиб ташлаш мумкин. Рио буни ичкаридан туриб амалга оширмоқчи... Бугун тунда у барини охирига етказди.

Рио бу ерга кутилмаган меҳмон ташриф буюрганини ҳидидан сезди. Аввалига, уни галдаги арвоҳ деб ўйлади, аммо кейин инсон исини таниди: ёшгина аёл, унинг баданидан илиқ мушк ифори тараларди. Қоронғиликда у кўзларини очди ва чуқур нафас олди.

Йўқ, бу хаёллар эмасди.

Аёл – танида қайноқ қон оқаётган, бу ерда узоқ вақтлардан бери илк марта пайдо бўлган тирик одам эди. Фонар ёруғи Рио яшириниб турган жойга тушганда унинг кўзлари бир зумга қамашди. У аёлнинг қадам товушларини, бу зимистондаги суякларни аста шиқирлатиб босишини тингларди.

Рио пастга сакраш учун тирқишга яқинлашди. Унинг қадам товушлари кўршапалаклар шовқини ичида сезилмай кетди. Қушлар ҳам ташқарига учиб чиқишди, аёл бўлса ичкарида қолди. Рио унинг фонаридан чиқаётган ёруғлик ҳамон сағана деворларини ёритиб турганини, кейин аёл аста-секин очилган тобутга яқинлашганини кўрди.

У сағана ичига қараган аёл юзида қизиқувчанлик ҳам кўрқувни пайқайди. Аёл бу ерда қандайдир махлуқ ётганини тахмин қилгани Риога ҳам аён бўлди.

Аммо аёл бу ерга келмаслиги керак эди.

У кўрганларидан ортиғига гувоҳ бўлиши мумкин эмас. У тобут қопқоғи очилаётганда енгил ҳайқирди, аёл буни ҳам эшитди. Риони кўрқув босди, уни фонар ёруғи таъқиб қилиб изидан келарди.

Рио ташқарига сакрашидан аввал аёл у ердан чиқиб улгурганди.

Аёл кетди. Тўғри, у керак бўлмаган нарсаларга гувоҳ бўлди, аммо энди бунинг аҳамияти йўқ. Тунда бу тобут, сағана ва Рионинг ўзидан ҳам ном-нишон қолмайди...

¹ С-4 – ҳарбий ҳаракатларда ишлатиладиган турли портлатгичлар.

Иккинчи боб

“Сирли сағана қадим тамаддун сир-асрорини ошкор қилади!”

Дилан ўйланиб қолди ва ноутбук экранидаги ёзувларни ўчирди. “Бошқа бирор ном топиш керак. – Янада эътибор тортадиганидан. Ахир “Миллий география” учун ёзаётганим йўқ-ку”. Дилан газетанинг илк саҳифаларида босиладиган Голливуд юлдузларига оид сарлавҳалардақа ёзиб кўрмоқчи бўлди.

“Граф Дракуланинг қолдиқлари топилди!”

Буниси яхшироқ, ахир лоф бўлмаса гап бўлмайди. Қонхўр граф яшаган манзил Руминия ва Чехия чегараларидан бир неча юз мил нарида жойлашган. Бу ҳали бошланиши. Дилан меҳмонхона ётоғида ноутбугини тиззасига қўйиб олганганча муҳаррири учун ваъда қилинган мақоласини ёзишга киришди.

Тўрт-беш жумла ёзди. Ўқиб кўриб, ўчириб ташлади. Сўнг янги саҳифага яна ёза бошлади. Хаёлига тузукроқ гап ҳам келмасди. Дилан фикрини жамлолмасди. Уни тоғдаги арвоҳ, ундан ҳам кўпроқ Нью Йоркдан кўнғироқ қилган онаси хавотирга соларди. Шерон қувноқ ва хотиржам гапиришга уринарди. Аёл ҳомийлик мақсадида ташкил қилинаётган денгиз саёҳатида боргиси келаётганини айтди.

Марказдан яқинда бир қиз қочиб кетгач, Шеронда янги ғоя пайдо бўлган, шу ваздан ташкилот раҳбари жаноб Саса билан учрашишни кўзларди. Шерон у билан ёлғиз кўришишни хоҳлар, бу эркак унинг бошини айлантириб олганди, бундан ҳеч ким ҳайратланмасди, айниқса, Дилан. Шерон ортиқ туйғуларга берилувчан бўлса, Дилан унинг акси эди. Диланнинг бошидан ҳам бир неча саргузаштлар ўтган бўлса-да, уларнинг ҳеч бири арзирли эмасди. У ўзини давомли муносабатлардан узоқ тутарди. Дилан мангу муҳаббат афсоналарига ишонмас, аммо онаси уни кун келиб чин муҳаббати қарши олишига ишонтирмоқчи бўларди.

Шерон юраги кенг аёл эди, аммо ўзига номуносиб эркакларни севиб колаверарди. Шунга карамай, тақдир хиёнатлари олдида ўзини йўқотиб қўймасди. У Диланга денгиз саёҳати-ю жаноб Сасанинг эътиборини тортиш учун янги либос сотиб олганини кулиб-кулиб гапириб берди. Дилан ҳам ҳазиллашиб, бу бўйдоқ хомийга ортиқча ишва қилмасликни, йўқса раҳнамонинг юраги нақ эриб кетишини айтиб, огоҳлантирди.

Шерон руҳан тетик кўринишга уринса-да, Диланга онасининг ҳолаҳволи маълум эди. Вақт ўтган сари онасининг овози сўниб борар, суҳбатдаги бу узилишлар эса Дилан ва ҳамроҳлари қўнган Йичин шаҳарчасидаги носоз алоқа туфайли эмасди. Дилан онаси билан йигирма дақиқача сўзлашди, аммо хайрлашар чоғда ўзида чарчоқ сездди.

Дилан оғир нафас олиб, ноутбукни ёпди ва четга олиб қўйди. Хонада қамалиб бемаъни нарсалар ёзгунча Женет, Мари ва Ненси билан ичимлик ичгани боргани дурустмиди? Дилан айна дамда узлатнишин кайфиятда эди, бироқ тор хонада биқиниб ўтириб ўзини янада ёлғиз сезарди. Жимжитликда миясини турли изтиробли хаёллар тўлдирарди, айниқса, онаси кун келиб...

О, худо!

Дилан бу сўзларни айтишга ҳам хали тайёр эмасди. У туриб деразага яқин борди. Очик деразадан ташқарига қараб туриб нафас олди, бироқ ҳаво етишмади. У ромни тепароқ кўтариб, кўксини ҳавога тўлдирди. Биринчи қаватдан кўча шундоқ кўриниб турар, сайёҳлар ва шу ерликлар бамайлихотир сайр қилиб юришарди.

Оҳ, лаънат бўлсин, оқ либосдаги ҳалиги аёл ҳам шулар ичида экан.

Арвоҳ йўл устида турар, машиналар унинг устидан ўтиб боришарди. Шафакнинг ожиз нурлари остида у ярим шаффоф тусда кўринар, гўё ёйилиб кўздан ғойиб бўларли бир ҳолатда турарди. Нигоҳлари бўлса Диланга қадалганди. Бу сафар арвоҳ қизга киприк қоқмай қараб турар, унинг нигоҳи юракни ўртаб юборарди.

– Кет, – пичирлади Дилан. – Мендан нима истайсан тушунолмадим. Ҳозир ўзимга етиб турибман.

Қиз ўз аҳволдан кулди: нариги дунёдан келган меҳмонларни қувлаш ҳам касбининг бир қисми, шекилли. Бошлиғи Коулман Хогг, ўз ходимаси руҳлар билан суҳбатлашишини билиб қолса, қувончдан ёрилиши аниқ. Бу ярамас одам Диланнинг ғаройиб қобилияти ортидан ҳам пул ишлаш пайига тушарди. Лекин бу ҳақда билиб бўпти!

Бир вақтлар қиз ўзидаги ғайритабiiй қобилиятни ошкор қилганда, оқибати нима билан тугаганини ҳанузгача унутолмайди. Дилан отасини сўнгги марта ўн икки ёшида кўрганди. Оиласини ташлаб кетаркан, Бобби Александер хайрлашиш ўрнига қизини туртиб сўккан, бу билан уни арзимас матоҳдек таҳқирлаганди.

У вақтлар Диланнинг ҳаётидаги энг оғир пайтлар эди, лекин қиз бу воқеадан яхши сабоқ олди: ҳаётда кўп одамларга ишониб бўлмайди, агар яшаб қолишни истасанг, фақат ўзингга ҳисоб бер.

Дилан одамлар билан муносабатда бу фикрида собит турди, биргина онасигина бундан истисно. У фақат онасига суяниши, кўнглидагиларни бўлишиши мумкин. Шерон қизининг барча сирлари, орзу-мақсадларини билади. Аламлари, кўрқувлари ҳам унга бегона эмас, фақат биттасидан ташқари... Дилан онасининг мусибатига енгилмай, ўзини тутишга уринар, иродасини тобларди.

– Минг лаънат, – ҳиқиллади у кўзидан томаётган ёшларни артаркан.

Болалигидан бери ирода кучи билангина яшаб келарди. Дилан Александер ҳеч қачон йиғламаган. Ҳатто ўша тунда отаси тарафидан ташлаб кетилган, хўрланган қизалоқлигида ҳам кўз ёш тўкмаган.

Дилан деразадан узоқлашиб оёғига кроссовкасини илди. Ноутбугини хонада қолдиришни истамай, сумкасига солди, ҳамёнини олиб, ҳамроҳларини излаб ташқарига чиқди. Ҳозир улар Диланга керак.

Шом маҳали тоғдаги сайёҳлар тарқалишди. Ташқарига ҳам худди дахмадагидек қоронғилик чўкди, яқин орада бирор тирик жон кўринмасди. Демак, Рио сағанани портлатса, буни ҳеч ким эшитмайди.

Бу ғорни ер юзидан йўқотиб юборолмаса-да, ҳар ҳолда сағана туйнугини ёпиш мумкин, бунинг учун С-4 нинг ўзи етарли. Вазифани якунига етказиш учун жангчилар Риони бу ерда қолдиришар экан, Николайнинг ўзи масалани ҳал қилган. Яхшики, Николай барини тўғри ҳисоблаб чиққан, ахир Рионинг тумандек хира тортган ақлига ишониб бўлмайди.

У детанатор ерга сирғалиб кетганида қаттиқ асабийлашди. Кўз ўнгида бари ҳавога учди. Узун сочлари орасида юзи жиққа терга ботди. Жон аччиғида уларни йиғиб олишга уринаркан, Рио ўкирди ва портлатгични ушлаб толган қўлларини юзига босди.

У портловчи капсулани жойлаганмиди?

Рио буни эслолмади...

“Йиғиш керак, аҳмоқ!” Рио шунча вақтдан бери ишни уддалолмагани учун ўзини яниди, ахир қачонлардир Бостондаги ўша машъум портлашни бир неча сонияда амалга оширганди.

Оғир жароҳат ва очлик азоби уни ҳоритган, ўзини ҳимояга муҳтож одамдек сезарди. Бефойда мавжудот, мана у кимга айланди!

Рио жазавага тушганча бармоғини С-4 қайроғи ичига тикди ва уни силтаб очди.

“Мана, хайрият, капсула ичида экан, шундай бўлиши ҳам керак-да”.

Эслай олмаса нима бўпти, муҳими, капсула жойида экан. Рио бор қайроқтошларни тўплади ва туйнук томон одимлади. Портлатгични Нико кўрсатган чуқурликка жойлади, сўнг сағана ичкарисига, детанатор тарафга юрди.

“Оббо!”

Ҳамма симлар чувалашиб кетибди.

Қачон ва қандай улгурди экан бунга?

Рио жаҳл билан сўкинди.

Ғазаб ўтида ёниб, оёқларига титроқ кирди. Рио тош ерга кулоқ босиб, детанаторнинг тукиллашини эшитди. Танаси қўрғошиндек котди, ҳуши бошидан учди, чарчокдан халос бўлишга уринди.

Мадорсизлик уни ерга йиқитган, Рио сўнгги сонияларда иродасини муштларига йиғиб, ўрнидан турмаса, кейин ўзини ўнглолмаслиги аниқ эди.

У охириги бир неча ҳафтада овга чиқмай тентаклик қилди. Сулола вакили сифатида Рио ҳаётий қувватини сақлаб туриш учун одам қонига муҳтож эди. Ҳозир ҳам унга оғриқларни унутиб, хира тортган идрокини жонлантириш учун айнан қон керак. Рионинг ишончи комилки, у ўлдирмасдан ҳам ов қила олади. У мана шу тоғларга келганда, кўп бор ҳаддидан ошди. Очлик сабаб ақлдан озай деганда, эҳтиёткорликни унутди, яқин қишлоқдаги одамларга ўзини билдириб қўйишига бир баҳя қолди.

“Қотил”, эшитилди узоқ-узоқдан. Аммо бу сағана ортидаги тун қаъридан эмас, унинг хотиралари туб-тубидан эшитиларди. Тили испанча эди.

“Шайтоннинг кули”.

“Қонхўр”.

“Махлуқ”.

Яхшигина таниш бу сўзлар миясидаги туманни ҳайдаб, онгига қадар етиб келди. Рио бу сўзларни болаликдан буён эшитади. Сўзлар уни ҳозиргача таъқиб қилади. Ҳа, ахир у шундай эди, ҳозир эса ундан-да баттар. Ўз ҳаётини ёввойи ҳайвон каби бошлаган, ўрмон тепаликларида яшириниб яшаган мавжудот тақдир ҳукмига кўра, ҳайвондек ўлиб кетиши керак...

“О, худойим, – пичирлади Рио детанаторни ишлатишга яна беҳуда уринар экан, – Ўтинаман... барини якунлаш учун менга имкон бер”.

Дилан пиводан бўшаган қадахни столга қўйиб улгурмай, ўрнида янгиси пайдо бўлди. Бу ерга келганидан бери бу учинчиси эди, ёш сотувчи йигит ёйилиб кулганча қадахларни пайдар-пай узатарди.

– Бу бар ҳисобидан, хоним, – деди у инглизчалаб. Йигит кам сонли шаҳарча аҳлидан бўлиб, чех ва немис тилларидан ташқари инглиз тилида ҳам гаплаша олар экан.

– О, Горан, миннатдорман! – қаҳ-қаҳ отиб кулди Женет бўшаган қадаҳини кўпириб турган тиниқ пивога алмаштирар экан. – Жуда илтифотли экансан, бизга шахринг ҳақда гапириб бердинг, энди эса бепул пиво билан сийлаяпсан. Қойилман!

– Хизматингизга мунтазирман, – деди йигитча.

Унинг малла кўзлари ҳамроҳлари орасида ёшгина бўлиб ўтирган Диланга узоқроқ тикилиб қоларди. Қизиқувчан йигитча Диландан беш-ўн ёшга кичик бўлса-да, бу тўсиқ бўлолмас ва қиз бундан фойдаланмоқчи эди.

Диланни текин ичимлигу қочиримлар эмас, маҳаллий тоғ ва сағаналар ҳақидаги гаплар қизиқтирарди. Горан шу ерда улғайган ва эҳтимол, болалигида кўпдан-кўп тепаликларга тирмашган бўлса ажабмас. Балки, бугун Дилан борган қоя ҳақда ҳам билар?

– Бу ер бирам чиройлики, – деди Ненси, – Реклама буклетида алдашмаган экан. Ҳақиқатда жаннат монанд!

– Бу ерда ғаройиб тоғлар кўп экан, – қўшилди Мари. – Барини томоша қилиш учун бир ой ҳам етмайди. Афсуски, тонгда Прагага қайтамыз.

– Ҳа, аттанг! – Горан Диланга тикилди.

– Бизнинг харитада бир неча сағана ҳам кўрсатилган экан, – эҳтиёткорлик билан сўз бошлади Дилан ўз қизиқишини сездириб қўймаслик, шу билан бирга мақоласи учун кўпроқ маълумот йиғиш илинжида. Чет эллик сайёҳларнинг бу ердаги тоғларни ўрганишга киришиши маҳаллий аҳолига маъқул келмаслигини хаёл қилди. – Бу ерда улар анчагинага ўхшайди. Ҳатто ҳали одамларга номаълумлари ҳам бўлиши мумкин.

– Ҳа, албатта, – бош ирғади йигитча. – Бу ерда, тахминан, юздан ортиқ дахмалар бор. Жарликлар ҳам кўпгина. Уларнинг аксарияти харитада кўрсатилмаган.

– Бугун Дилан тош тобут жойлашган бир сағанани кўрибди, жуда кадимий эмиш, – пиводан сипқориб кўнгилчанлик билан деди Женет.

Горан ишонкирамай кулди:

– Нимани кўрдингиз?

– Аниқ билмайман, – ортиқча гапириб қўймаслик ниятида бепарволик билан елкалариини учирди Дилан. – Иссиқдан қочиб дуч келган салқин жойга ўзимни урдим, ичкари бўлса қоп-қоронғи эди.

– Қайси сағанага бордингиз? – сўради йигит. – Балки уни биларман.

– Ҳ-э, ҳозир эсимдаям йўқ. Бари бекорчи гап.

– Диланнинг айтишича, сағана ичидаги аллаким уни чўчитиб юборибди, – бирдан гапга суқилди Женет. – Тўғрими, азизам? У ерда кимдир ётганди ва уйғониб қимирлади, деганмидинг?

– Менга шундай туюлган, у ерда ҳеч ким йўқ эди, – Дилан Женетга жиддий қараб қўйди.

Унга кўз қисиб, сўнг ўзи томонга энгашиб турган Горанга ўгирилди.

– Айтишларича, бу тоғларда махлуқ яшармиш, – сўзларига сирли тус бериб паст овозда гапирди йигит. – У ҳақда кўплаб афсоналар ҳам бор.

– Ростдан-а? – ўзини ҳайратланганга солди Дилан.

– Шунақа, бу кўрқинчли махлуқлар одамларга ўхшармиш, лекин асти ундай эмас. Қишлоқ аҳлининг гапига қараганда, вақт ўтган сайин бу махлуқларни кўпроқ учратиш мумкин экан.

Дилан енгил кулиб қадаҳни кўтарди.

– Мен махлуқлар борлигига ишонмайман.

– Мен ҳам, – Горан унга қўшилди, – Менинг бобом эса ишонади. Бобомнинг бобоси ҳам, умуман, юз йилликлар давомида шу ерда яшаб келган барча бобокалонларим ишониб келишган. Бобомнинг уйи ўша ўрмонда жойлашган. Айтишича, икки ой муқаддам махлуқлардан бирини ўз кўзлари билан кўрганмиш. Махлуқ бобомнинг ишчисига ташланганмиш.

– Йўғ-ей? – Дилан ҳикоя якунини кутиб йигитга тикилди.

– Бобом бу воқеа кечкурун бўлди, деганди. Улар Матей иккиси омборга асбоб-ускуналарни ташишган. Бобом омборда ўралашиб юриб ташқаридан келаётган ғалати овозларни эшитган. Нима гаплигини билиш учун ташқарига чиққан ва Матейнинг ерга чўзилиб ётгани-ю қандайдир эркак унинг бўйнидан қон сўраётганини кўрган.

– О, худойим! – кўрқиб кетди Женет. – Матей деганинг омон қолганми?

– Ҳа, тирик. Бобом омбордан қурол олиб чиққанида Матей ташқарида чўзилиб ётар, жароҳат ўрни йўқ, фақат кўйлагига қон доғи теккан, ўзи эса ҳеч нарсани эслолмасди. Ўша эркак, эҳтимол, махлукдир, лекин уни бошқа ҳеч ким кўрмаган.

Женет енгил тортди:

– Худога шукур-эй! Нақ кўрқинчли кинонинг ўзи.

Ненси ва Мари йигитнинг ҳикоясидан лол қолишганди. Уч аёлнинг бари бу чўпчакка мутлақо ишонди. Дилан бу ҳодисага ақл кўзи билан қарар, дахмадаги бўш тобут, жабрланувчининг ҳеч нарсани эслолмаслиги ўртасида боғлиқлик бордек туюларди. Коулман Хогг бу чолнинг гувоҳлигига асло эътироз билдирмайди ва мақолани жон-жон деб чоп этади.

– Бобонгиз билан ўша ҳодиса ҳақида гаплашсам бўладими?

– Дилан – журналист, – тушунтирди Женет, – у Нью Йоркда яшайди. Бирор марта Нью Йоркда бўлганмисан, Горан?

– Йўқ, бормаганман, аммо боришни жуда истардим, – деди йигит яна қизга қараб қўйиб, – чинданам журналистмисиз?

– Унчаликмас. Балки қачондир бўларман. Ҳозирча одамларни қизиқтирадиган турли алмойи-алжойи нарсаларни ёзиб юрибман, – Дилан кулиб сотувчи йигитга қаради, – Хўш, бобонгиз билан сўзлашсак бўлармикин?

– Афсуски, у ўлган. Бир ой аввал бир бахтсизликка йўлиқиб, йиқилди-ю қайтиб ўрнидан турмади.

– Оҳ, – бўшашди Дилан, чолнинг вафотига ичдан куюниб, – таъзиямни қабул қилинг, Горан.

Йигитча оғир бош ирғади:

– У бахтли одам эди. Ҳаммамиз ҳам бобом каби тўқсон икки ёшга кириб юрайлик.

– Ҳа, гўзал тақдир, – маъқуллади Дилан онасининг дугоналари унга ачиниш билан тикилишларини пайқаб, – аттанг, ҳамма ҳам бу ёшга етолмайди.

– Янги меҳмонлар, – деди йигит майхонага кириб келган бир гуруҳ сайёҳларни кўриб, – уларга қараб, қайтиб келаман. Балки, менга Нью Йорк ҳақда сўзлаб берарсиз, Дилан.

У кетишга улгурмай Женет Горан Қўшма Штатларга борса, Дилан билан турмуш курса, фарзандлар кўришса ва бахтли яшашса, деган хаёлларга чўмар экан, Дилан ширин эснади:

– О-оо.. Бу мусаффо ҳавонинг таъсири. Мени уйқу босяпти. Ҳали бироз ишлашим ва электрон почтамини текширишим ҳам керак. Хуллас, меҳмонхонага қайтишим лозим.

– Чиндан толиқдингми? – сўради Женет.

Қиз бош ирғади:

– Ҳа. Бугун узун кун бўлди, – у ўрнидан туриб стулига илинган сумкасини олди, ҳамёнидан чех кронини чиқариб, ичимлик ва хизмат учун чойчақа ташлади. – Кечроқ кўришамиз.

Майхона меҳмонхона ёнида жойлашганди, у қисқа йўлдан кетаркан, тезроқ мақола ёзиш иштиёқида ёнарди. Дилан хонасига қамалиб олди, ноутбугини ёқди ва эшитган воқеаларини тезроқ ёзиб қўйишга киришди. Иш жараёнида Диланнинг юзида мамнун табассум уйғонди. Бу ҳар қалай эски тобутда ётган қоқ суяклар ҳақидаги қуруқ ҳикоя эмас, европалашган шаҳардан унча узоқ бўлмаган сокин тоғларда асрлар бўйи яшаётган афсонавий қонхўр махлук тўғрисидаги воқеа.

Деярли тайёр бўлган мақолага махлуқнинг бир неча суратлари илова қилинса, бас.

Учинчи боб

Тонг сахар – сайёҳлару тоғда сайр қилувчилар учун жудаям вақтли бўлса-да, Дилан сўқмоқдан юқорилаб борарди. Қиз ўрмонга кириши билан қора булутлар бошидан ёмғир қуйиб юборди, оёқларига намиққан хазонлар ва қарағайнинг игнабарглари ёпишди.

Оқ кийимга бурканган қорасоч аёл ҳеч қаерда кўринмасди, унингсиз йўлни топиб олиб бўлармикин? Қияликдан сағана жойлашган таниш тош майдончага кўтарилар экан, унинг юрак уриши тезлашди.

Тонгги туман орасидан туйнук ичи қоронғи кўринар, у ердаги куруқ ер қандайдир қадимий ва сирли туюларди. Дилан сафар халтасини ечиб, ҳамёнини очди ва фонарчани чиқариб, ичкарини ёритди.

“Тош тобут ва деворлардаги тасвирлардан бир-икки сурат олсам бўлди, дарров ортга қайтаман”.

Уни кўрқяпти, деб бўлмасди. Нимадан кўрқсин? Бу қандайдир эски дахма. Кўрқишга асос йўқ.

“Аҳмоқона кўрқинчли фильмлардаги қаҳрамонлар ҳам даҳшатли сахналар олдидан шундай хаёлларга берилармикин?”

Дилан ўздан кулиб қўйди: ахир бу кўрқинчли кино эмас, чинакам ҳаёт. Балки сағанада одамлар қонини сўрувчи қандайдир махлуқ яшар, Гораннинг бобоси кўрган қонхўр билан қиз юзма-юз келса-чи? Буларнинг бари ғирт сафсата.

Ёмғир шивирига жўр бўлиб Дилан аста-секин ичкарига одимлади, фонарини тўғрига қаратди. Деворлардаги сураатлар ва тош тобут ёришди, қиз ерда ўтирган эркакни пайқамай, уни босиб кетишига бир баҳя қолди.

– О, худойим!

Дилан қичкириб ортга чекинди, титроқ қўлларидаги фонар деворни ёритди. Дилан бироз ўнгланиб, чироқни эркак турган ерга тутди, аммо энди у ерда ҳеч кимса йўқ эди.

Лекин қизнинг уни кўрганига ишончи қомил эди. У эркакнинг қора сочлари, йиртилган ва чанг босган қора либосларини пайқаганди. Дайди. Эҳтимол, шу ерлик уйсиз дайдилар тунни сағанада ўтказар.

– Эй? – қақирди Дилан ёруғликни қаратиб.

Бир жуфт тошбақа ва суяклар – бошқа бирор жондан нишона ҳам йўқ.

“Қаерга йўқолиши мумкин?” – кўзларини тобутга тикди.

– Менга қара, биламан, шу ердасан. Кечирасан, сени кўрқитиб юбормоқчи эмасдим, – давом этди Дилан, кап-катта эркакни бундай тинчлантириш тентаклик эканини билиб. Дайди баланд бўйли эди, олти футдан кам эмас, кучли ҳам кўринади, аммо ётишига қараганда оғриқ ва умидсизликдан азоб чекарди. – Айтақол, касалмисан? Балки ёрдамим керакдир? Исминг нима?

Жавоб бўлмади. Бир сас эшитилмади.

– Dobry den. Mluvite anglicky?¹ – Дилан чех тилида бир-икки оғиз гапирди.

Фойдаси бўлмади.

– Sprechen sie Deutsch?²

Яна жимлик.

– Узр, бошқа тилларни билмайман, бори шу. Мактабда испан тилини ўргатишган, бир-икки оғиз гапиरोламан, аммо фойдаси бўлмас. – Дилан

¹ Хайрли кун, инглиз тилини биласизми?

² Немисчада гапира оласизми?

нурни тепага йўналтирди, шифтни текширди. “Como esta usted?”¹ деб испанча сўраганимда ҳам тил топишишимиз қийинга ўхшайди. Нима дейсиз?

Девор бўйлаб тепага сирғалган нур ўн фут келадиган тик дўнгликни ёритди. Оддий одам у ерга чиқолмайди.

“Мумкинмикин?..”

Бирдан фонар пирпираб, нури хиралашди ва ўчди. Дилан қоронғиликда қолди.

– Лаънати! – қиз шивирлаб фонарни ишлаб қолар, дея умид билан бир неча марта кафтига урди. Батареялари янги эди, Дилан уларни Қўшма Штатларда, учиш олдидан қўйганди, ҳали кўп ишлатгани ҳам йўқ. – Уф, уф, уф!

Зим-зиё дахмада қиз ўзини ғариб сезд.

Боши тепасида тошнинг ғижирлаганини эшитиб, аланглади. Бир муддат жимлик чўкди, сўнг тош ерда оғир қадамлар эшитилди: кимдир унинг ёнига тушиб келарди.

Қиздан арча, асал ва илиқ ёз ёмғирининг ифори келарди. Унинг ёнига яқинлашган эркак ўткир цитрус исини туйди. Рио қизни обдон кузатар, қоронғи бўлса-да уни аниқ-тиниқ кўриб турар, қиз эса жойида туриб алангларди. Сўнг қиз орқага қадам ташлади... аммо орқаси билан деворга қадалди.

– Лаънатлар бўлсин!

Қиз базўр ютинди, қўлидаги фонар бармоғидан сирғалиб ерга тушиб кетгач, яна уф тортди. Рио хаёлида фонарга буйруқ берди. Моддий дунё буюмларини ирода кучи билан бошқариш Сулола вакиллари учун оддий иш эди, аммо кучдан қолган Рио буни эплай олишига ишонмасди.

– Нима қилдик, гаплашолмаймиз, шекилли, – деди қиз. – Унинг кўзлари катта-катта очилган, қоронғиликда чақнар ва шарпани изларди. –

¹ Ишларингиз яхшими?

Унда мен кетдим. Шунчаки кетаман... яхшими? – ҳаяжондан овози титради.
– Худойим, чиқиш қаерда эди?

У тўғрига кадам босди, девор бўйлаб тескари томонга юра бошлади. Рио унга бу ҳақда гапиришни эп кўрмади. У қизнинг ортидан эргашди, ғор охирига етгач, нима қилишни ўйлаб қолди, ахир бу қизнинг иккинчи ташрифи.

У хавотир ичра ҳали тириклиги-ю даҳмада ёлғиз эмаслигидан ҳайратда эди. Ярадор жонзот қоронғиликда яширинарди.

Аммо қиз у билан гаплаша бошлади, бу ўзи учун хатарли эканини ҳам сезмади. У жаҳл отига минган, ақлини йўқотган эди, бу эса қизга яхшилик келтирмаслиги аниқ, бунинг устига аёл унинг эркаклик ҳисларини уйғотарди.

Рио чуқур нафас олиб, аёл ифорини туйди, қизнинг оппоқ, ёмғирдан намиққан вужудига ташланмаслик учун ўзини тийди. У анчадан бери бу қадар очликни сезмаганди. Ўткир учли қозик тишлари тилини эзди. У атай кўзларини юмди, кўп ўтмай нигоҳлари ёрқин қахрабо каби аланга олар, қорачиқлари узунчоқ бўлиб тортилар, бу эса қонга ташналикни англатар эди.

Бунинг устига қиз ёш ва гўзал, уни татиб кўриш истаги кучайиб борарди. Қўллари титраган Рио унга яқинлашди...

Аммо тезда тескари ўгирилиб муштини тугди.

“Ёвуз қонхўр”.

Бу иблисона қўллар фақат азоб ва ўлим келтириши мумкин. Сулоланинг барча вампирлари ақлга сиғмас даражада кучга эга, Риога бўлса ёвуз бир қобилият тақдир этилганки, у ўзгаларга ўлим олиб келади. Қобилиятини юзага чиқарса бас, инсон ҳаёти бир онда якунига етади. Рио ўзидаги бу хусусиятни пайқагач, уни қатъий назорат қила бошлади. Бирок охирги вақтларда унда ёвузлик аланга олиб, ақли хиралашиб борарди, бу портлаш туфайли бўлиб, ундаги ўзига ишончни сўндирадди.

Мана шу ваздан у Орденни тарк этди, сўнг ов қилишни йиғиштирди. Сулола вакиллари камдан-кам ҳолларда уларга донор бўлгувчи одамларнинг

жонига қасд қиларди. Бунга фақат Қувғинди вампирлар – ўзини идора қилолмайдиган қонхўрлар кодир эди.

Рио ўтли нигоҳлари билан уясига келиб қолган қизга тикилар, назоратни йўқотиб қўймаслик учун қалтис ҳаракат қилишдан тийиларди. У билан гаплашганда қизнинг хушмуомалали экани, жарангдор овози борлигига гувоҳ бўлди. Бироқ қиз махлуқни ҳали кўрганича йўқ.

Дилан девор бўйлаб юришдан тўхтаб, дахма марказига келиб қолди. Рио меҳмони ортида шу қадар яқин турардики, қизнинг олов ранг сочлари унинг титилиб кетган қўйлагига тегиб-тегиб кетарди. Ипакдек майин жингалак сочлар уни ром этди, аммо Рио қимирламай, қўлларини мушт қилиб қотиб турарди. У кўзларини яна юмди ва пастга тушганига афсусланди. Ундан узоқроқ бўлгани маъқул эди, шунда қиз сўзлашда давом этар ва ҳозиргидек кўркувга тушмасди.

– Сен бу ерда бўлмаслигинг керак эди, – ниҳоят тилга кирди Рио. Қоронғида унинг овози овлоқдаги ҳайвоннинг ўкиришидек эшитилди.

Қўрқиб кетган қиз дарров овоз келган тарафга ўгирилди.

– Демак, инглиз тилини биласан, – узоқ сукутдан сўнг тилга кирди қиз.
– Аммо талаффузинг... сен америкалик эмассан.

Рио буни рад этмади.

– Сен эса америкаликсан.

– Бу қандай сағана? Бу ерда нима қилаяпсан?

– Яхшиси, кетганинг маъқул, – шивирлади у. Тузукроқ гапиришга ўткир тишлари ҳалал берарди. – Бу ер хавфли.

Оғир сукунат ичида қиз унинг сўзлари мағзини чақарди.

– Сени кўрсам бўладими? – сўради ниҳоят.

Рио чиройли юзида ёқимли майда сепкиллар бор қизга қараб мийиғида кулди. Қиз қўлларини чўзиб, уни қоронғида излай бошлади.

Рио ортга тисарилди.

– Биласанми, маҳаллий аҳоли нима деяпти? – оҳиста гапирди қиз. – Бу тоғларда махлуқ яшармиш.

– Балки.

– Мен бунга ишонмайман.

– Гап-сўзлар бекорга эмасдир, – Рио зимдан унга тикилди, унинг ўсик сочлари орасида ёниб турган қахрабо кўзлари кўринмасди. – Сен кетишинг керак. Ҳозирок.

Қиз ўзини тўсгандек йўл халтасини кўксига босди:

– Бу қанақа тош тобут? Қандайдир эски қабрми? Мана бу деворлардаги суратлар нимани англатади? Қадимий ёзувларми?

Рио секин ва сассиз ҳаракатланарди. У қизни бу ердан кетишга кўндирмоқчи эди, аммо пайдар-пай берилаётган саволлари бунга имкон бермасди. Кеча сағанага келгани камдек, бугун яна қайтди, ҳақиқатга яқин хулосалар чиқаряпти. Рио тушундики, энди уни шунчаки қўйиб юбориб бўлмайди: қиз бу ер ҳақда кўп нарса билади, жумладан, унинг борлигини ҳам.

– Менга қўлингни бер, – юмшоқлик билан деди Рио. – Сени сағанадан чиқариб қўяман.

Қиз ҳатто қимир этмас, Рио қиз унинг гапига кирмаслигини билиб турарди.

– Бу ерда анчадан бери яшайсанми? Нега бу ерда яширинасан? Нега сени кўришимни истамаяпсан?

У синчковлик билан савол кетидан савол ёғдирарди. Рио сафар халтанинг очиқ еридан сас эшитди.

“Оббо. Агар яна фонарини ёқса, уни осонгина кўриб олади. Ҳозир қандай бўлмасин унинг хотирасини ўчириб юбориш керак”.

– Қани, бўлақол, – деди Рио сабрсизлик билан. – Сенга ҳеч қандай зиён етказмайман.

Рио танидаги бор кучни жамлади. Унга вазифани адо этиш учун бу куч жуда зарур: сағанани ёпиб ташлаш, ўтган галги хатони такрорламаслик керак. Бунинг учун қиздан тезроқ қутулиш лозим.

Рио қизга яқинлашиб, уни сағанадан силтаб чиқармоқчи бўлган паллада қиз ҳамёнидан бир нима чиқарди.

– Яхши, – деди қиз, – кетаман, фақат аввал бир иш қилишим керак.

Рио қоронғиликда кулди.

– Нима иш экан?..

Бирдан заиф шиқиллаш эшитилиб, чирок ёнди. Рио чўчиб орқага тисарилди. Чироқлар кетма-кет ёнаверди. Бу оддий фотокамера чироқлари эди-ю, аммо Риога бир йил аввалги даҳшат қайтгандек бўлди. Рио ўзини Бостондаги эски омбордагидек ҳис қилди, боши узра портлаётган бомбани эслади. Қулоқни батанг қиладиган шовқин ичида кучли тебранишдан нафаси қайтди. Юзига олов бўрони урилиб, қуюқ кул бурни ва томоғига кирди. Бутун танасига қайноқ парчинлар ёпишди. Бу дўзахнинг ўзи эди, нақ дўзахнинг киндиги.

– Йў-ўўўқ! – Рио жон-жаҳди билан ёввойиларча бўқирди. Қаҳр-ғазаб томирларида оқа бошлади.

Оёқларидан мадор кетиб, ерга йиқилди, атроф қоронғилашди, чирок ёруғи унда даҳшатли хотираларни уйғотганди.

Рионинг қулоқлари хаёлий туман ичра юрак дукурини эшитиб турар, эриган темир ҳамда ёниб битган солнинг қўланса ҳиди оралаб у арча, асал ва илиқ ёз ёмғирининг исини туйди...

Тўртинчи боб

Йичиндан Прагага кетаётган поездга чиққанига бир неча соат бўлган эса-да, Диланнинг юраги ҳамон безовта урарди. Унга сағанадаги сал ғалатиروқ, ўрмонда яшовчи ёввойи дайидан кўрқиб кетгани алам қиларди.

Назарида, дайдини суратга олар экан, у ғалати ҳолга тушди, жуда кўрқиб кетди. Аслида, қиз ундан чўчиши керак эди.

Ноутбугини тиззасига қўйиб, фотоаппаратдаги суратларни компютерига олди. Уларнинг кўпи икки кунлик саёҳатдан эсдаликлар бўлиб, Диланни, асосан, дахмадаги расмлар қизиқтирарди.

У экрандаги суратлардан бирини катталаштирди. Унда узун сочлари юзини тўсиб турган қиёфа акс этарди. Қора ўримлар орасида туртиб чиққан ёноқлар ва қахрли нигоҳлар кўринар, бу кўзлар аллақандай ғалати ёнар, Дилан бунақасини илгари кўрмаганди. Жағлари қаттиқ қисилган, лаблари орасидан ёввойи тишлари бўртиб турибди. Унинг башарасини тўлиқ кўриш учун дайдининг чироқ нуридан пана қилиб, тўсган қўллари ҳалал берарди.

– Худойим, – суратни ҳатто қайта ишлашнинг ҳам ҳожати йўқ. Йигитнинг башараси шундоқ ҳам иблисникидек.

– Хўш, суратлар қандай, азизам? – Женетнинг жингалак боши экранга эгилди, – О, худо! Бу нима бало?

Дилан елкасини қисиб, кўзини базўр суратдан олди.

– Дайди, бугун борган сағанада учратдим. У менинг янги мақоламда бош қахрамон бўлишни рад этмас. Нима дейсиз, Женет? Ахир у тоғ ўнгирларида қурбонини излайдиган қандайдир вампирга ҳеч ўхшамайди.

Женет елкасини қоқиб яна кроссворд ечишга тутинди.

– Бу мақоладан сўнг тунлар сени даҳшатли тушлар қийнайди.

Дилан кулиб, кейинги суратни очди.

– Кимга қанақа. Мен сира кўрқинчли туш кўрмайман. Тўғриси айтсам, мен умуман туш кўрмайман. Ҳар кеча зим-зиё бўшлиқ ичра ухлайман.

– Демак, омадинг бор экан, – деди Женет. – Мен эса кандайдир алмойи-алжойи тушлар кўраман. Ёшлигимда, масалан, бир тушни қайта-қайта кўрардим: тирноқлари бўялган оқ кучукча менинг каравотимда куйлаб ракс тушарди. Шунақа бемаъники! Айниқса, у эски мюзиклларни қойиллатарди. Ўзимга ҳам бу кўшиқлар жуда ёқарди...

Дилан Женетни тинглаганча расмларни кўздан кечирарди. Ҳар ҳолда, тош тобут ва девордаги чизмалардан тузуккина бир неча кадр олибди. Ҳозир бу тасвирлар уни сағанадаги пайтидан кўра кўпроқ ҳаяжонга солар, у ерда буларга дурустроқ қаролмаган эди.

Ўрам-ўрам қизғиш чизиклар деворга безак бериб турарди. Бу тасвирлар қадимий сулола рамзларини эслатар, шу билан бирга футуризмга хос нималардир... Дилан бу каби тасвирларни ҳеч кўрмаган. Нақшлар тош тобут деворини ҳам ўраб турарди... Диланнинг нигоҳи антиқа бир тасвирга тушди, бундан сочлари тикка бўлиб кетди.

“Бу нима ахир?”

Шубҳага ўрин йўқ, безаклар орасига ярим ой шаклидаги жомга томиб турган томчи тасвири моҳирлик билан туширилганди. Дилан ҳайрат ва ҳавотирга тушди. Худди шу тасвир унинг баданида ҳам бор эди.

“Шунақа ҳам бўладими?”

Суратга ҳайрон тикилар экан, бўйнининг орқасини пайпаслади, айнан шу ерида унинг туғма доғи – ярим ой ва томчи шакли бор эди.

Қисилган кўзлари совуқ чакнаб, Рио ёриққа детанаторни жойлаштирди ва тугмачани босди. “Бип” этган товуш чиқди-ю, масофадан бошқариладиган мослама ишлаб кетди, бир неча сониядан сўнг портлаш содир бўлди, момақалдироқ гулдирагидек овоз берди. Ёриқдан қуюқ чанг ва қум отилди, сағана сирлари мангуга кўмилди, тошлар билан тўлди.

Рио манзарага ташқаридан қараб тураркан, аслида, ҳозир сағана ичида қолиши кераклигини тушунарди. Агар ўша қиз пайдо бўлмаганда, ичкарида қоларди ҳам. Чанг кўтарилган паллада у секин қияликдан пастга энган,

мадорсиз вужуди шилиниб, абгор ҳолга келганди. Фақат ғазабгина ақлини пешлаб, дахмадан чиқиб, детанатор тугмасини босишга ундаганди. Ҳозир ҳам шундай, ишни сўнггига етказиш маъсулияти уни олдинга бошларди.

Шамол туманни ҳайдади. Рио кулоқларини динг қилиб ўрмондаги кадам товушларини эшитди. Кадам товушлари ҳайвонники эмас, тоғ сайрида кечиккан сайёҳники эди.

Тайёр ўлжа ҳақидаги ҳаёллардан Рионинг тишлари йириклашди, қорачиқлари табиий равишда чўзинчоқ шаклга кирди, нигоҳларида ўт чакнади. Сафар халтасини орқалаган ориққина йигит бутазордан чиқиб келди, унинг оқ-сарик юзи тунда аниқ кўзга ташланарди. Рио йигитнинг бепарволик билан сакраб сўқмоқдан пастга тушаётганини кузатди. Бир неча дақиқа ва улар тўқнашишади.

Рио ҳолдан тойганди, шунинг учун қулай лаҳзани кутиб ўтирмади. У ташна эди.

Одам дарахтлар ортидаги қонхўрни пайқамай, у томон яқинлашиб келарди. Йигит Рио унга ташланмагунча хавфни сезмади. Йигитча қўрқувдан кичқириб юборди, ундан қутулишга уринди, аммо бариси беҳуда.

Рио тез ҳаракат қиларди. У йигитнинг халтасини улоқтириб, бўйнига ташланди. Оғзи илиқ қон билан тўлгач, бадани кучга кира бошлади. У кераклича озиқлангач, жароҳатни ялаб ёпди, сўнг қўлини йигитнинг пешонасига қўйиб, ҳужум ҳақидаги хотираларни ўчирди.

– Қоч, – деб буюрди унга.

Йигит қочди ва қоронғиликка сингиб кетди.

Рио бошини кўтариб ингичка ўроқсимон ойга қаради, ҳаёти учун ғоятда қимматли бўлган, танига сингаётган донор қонини ҳис этди.

Рио ҳали тўла кучга кириши керак, шунинг учун тунги овни бошлади. У бошини эгиб оғир нафас олди, сирли ўлжасининг изига тушди. Қиз бир неча соат аввал шу сўқмоқ бўйлаб қўрқув ичра югуриб кетган. Риодан кўрқиши табиий. Бу малласоч гўзал сағанага кириб, кимни уйғотиб юборгани, қандай даҳшатли сирга шерик бўлиб қолганини ҳали билмайди.

Рио илжайди, у таниш ҳидни туйди. Бу ис тун қаърида жуда заиф тарқалаётган бўлса-да, Рио ўлжа қаерга йўл олганини адашмай топа олади. Қиз қанчалик узоққа кетган бўлмасин, етиб боради!

Бешинчи боб

Ғалати бошланган ва шу тарзда давом этаётган кун. Дилан кечки таомдан сўнг Прагадаги меҳмонхонага кириб, компьютерни ёқди ва Коулман Хоггдан мактуб олди. Кундузи қиз муҳарририга мақола ва суратларни жўнатган, аммо жавобни уйга қайтгач, яъни икки кундан сўнг оларман, деб ўйлаганди.

Бироқ хўжайин Йичиндаги тоғларга оид мақолага кутилмаганда қизиқиб қолди. Бу қизиқиш ортида прагалик бир сураткашни Диланга қўшиб, яна сағанага жўнатиш, бир неча суратлар олдириш режа қилинганди.

– Ҳазиллашаяпти, чоғи, – деди Дилан хабарни ўқиб.

– Тайёрланиш керак, азизам. Поездга кечикмайлик, – деди Женет ярим ишлатилган упа-эликларни сумкага жойларкан. – Ювиниш хонасидаги ёғупани олаверайми ёки кимгадир керак бўладими? У ерда яна очилмаган совунлар ҳам бор...

Дилан ҳамроҳининг сўзларига эътибор қилмай, нарсаларини тахлади; улар кечки поездда Прагадан жўнаб кетишади.

– Оббо!

– Нима бўлди яна? – сўради Ненси, чемоданни икки кишилик каравот тагидан чиқариб, сумкаларини унга соларкан.

– Хўжайиним мени тушунмаганга ўхшайди, ахир бугун мен Прагадан жўнаб кетаман.

Мухаррир ўз хабарида аниқ-тиниқ қилиб эртага тонгда сураткаш билан учрашиш ва яна Йичинга қайтишни буюрганди.

Мари қизга яқинлашиб ноутбук экранига қаради:

– Бу мақола юзасиданми?

Дилан бош ирғади:

– Унинг айтишича, тагин бир неча сурат қўшилса, мақола янада қизиқарлироқ бўлармиш. Эрталаб шу ерлик сураткаш билан учрашишимни тайинлаган.

– Лекин бир соатдан сўнг поездимиз жўнайди-ку, – эслатди Женет.

– Биламан, – деди Дилан муҳаррирга жавоб йўлларкан.

У хўжайинига кечки поездда ҳамроҳлари билан биргаликда Венага кетаётганларини тушунтирди. У ерда Европа бўйлаб саёҳатлари якунига етади ва улар ортга, АҚШга учиб кетишади. Қиз эртага сураткаш билан учрашолмаслиги, бугун соат ўнда Прагада бўлмаслигини ёзиб юборди.

Дилан матнни териб, “жўнатиш” тугмасини босиш олдидан иккиланиб қолди. Унинг ўзи-ку тезроқ учиб кетишни истарди. Аммо агар эртага сураткаш билан учрашишни рад этса, қандайдир сабаб билан ишдан ҳайдаб юборишса ҳам ажабмас. Лекин қиз Прагада ҳам қололмасди.

– Уф, – тоқатсизланди Дилан ва “ўчириш” тугмасини босди. – Учрашувни бекор қилиш учун кечикдим, Венага менсиз кетишингизга тўғри келади. Мен шу ерда қолиб, мақоламни якунлашим лозим.

Рио бошқа йўловчилар қатори Прагада тўхтаган поезд вагонидан тушди. Етарлича озиқланган ва юрагини тўлдирган ғазаб туфайли у анча тетик кадам ташларди. Эрталаб излаган одами Прагага йўл олган. Бунни аниқлаш учун Йичин меҳмонхонасидаги аёл ифори етарли бўлди.

Эшикбоннинг айтишича, америкалик сайёҳлар Прагага қайтиб кетишган. Бунинг устига эшикбон Риога йўқолган буюмлар орасидан ёмғирпўш ҳам топиб берди. Ёмғирпўшнинг ўзи унга етарли эди, у мавсумбоп бўлмаса-да, ҳар ҳолда эскирган, йиртилган ва қон сачраган кийимларини беркитиб турарди. Рио ташқи кўриниши-ю ўзидан қандай хид келаётганига кўл силтарди, аммо атрофдагиларнинг эътиборини тортишни ҳам истамасди.

У ўзининг девқоматлиги яшириш учун эгилиб, имиллаб юрарди. Унга бегона нигоҳлар қадалар, бироқ ҳеч ким аҳамият бермас, вокзал бурчакларидан қўним топган бошпанасиз кимсадек кўришарди.

Рио ўнг юзидаги куйгандан қолган чандиқ кўринмаслиги учун бошини эгиб олганди. Патила сочларини тузатаркан, тезроқ шаҳарга бориш ва аёлни топишга ошиқарди.

Гарчи вокзалдаги ғала-ғовур ва ёрқин ёзув-тасвирлардан беҳузур бўлса-да, ёвузлик Риога куч бағишларди. У мажолсизлигига эътибор бермай, аниқ мақсад томон юриб борарди.

Вокзалдаги марказий залда бир гуруҳ ёшлар туришарди. Озғингина бир йигитча гуруҳдан ажралиб, телефонида валақлашиб поездга шошаётган, яхши кийинган бир инглизга гўё тасодифан урилиб кетди. Содда сайёҳ жилмайиб қўйиб йўлида давом этди, ҳозиргина кармонини олдириб қўйганини ҳам пайқамади. Ўсмирлар бу усулни бу кеч бошқа такрорламаслик учун тарқалиб оломонга қўшилиб кетди.

Бошқача вазият бўлганида Рио бу тирранча жинойтчиларнинг ортидан бориб, одобга ўргатиб қўярди. Қаршилиқ қилишса, тунда ўткир нигоҳлару кескир тишлар ишга тушарди.

Аммо ҳозир у одамларга ҳомийлик қилувчи, вампирлар билан ёнма-ён яшовчи қора фаришта ролини ўйнолмасди. Бир-бирини алдаб, ўлдириб

юраверишсин. Энди улар билан иши йўқ. Айни пайтда уни фақат бир нарсa безовта қиларди: Орден йиғинида ўз номини тиклаб олиш.

Рио уларга панд берди.

Бир неча ой аввал дўстлари уни тоғда қолдириб кетишди, дахмани ёпиб ташлашини буюришди, токи барча сирлар шу ерда мадфун қолсин. Аммо у топширикни адо этолмади, аксинча, вазиятни янада чигаллаштирди. Сағанага аёл кирди. Суратга ҳам олди.

Зўр иш бўлди, бошқа нима дейиш мумкин.

Ҳаммаси чаппа айланди, худди Рионинг тақдиридек.

Рио вокзалдан чиқиб, минглаб ҳидлар орасидан ўзига кераклисини излади.

Бирдан арча ва асал ҳидини пайқади.

У овчи итдек бошини ўша томонга бурди, ифор гуркираб турарди.

“Хайрият”.

У излаётган қиз шу ерда, вокзалда эди.

– Эплай олишингга кўзинг етадими, азизам? – сўради Женет. – Сени бу ерда ёлғиз қолдириб кетгим келмаяпти.

– Хавотирга ўрин йўқ, – уни тинчлантирди Дилан.

Улар вокзал биносида хайрлашар эдилар. Кеч бўлса-да бу ердаги столларда одам кўп эди: йўловчилар, кузатувчилар, шу ерда туновчи қаланғи-қасанғилар.

– Бирор кори ҳол юз берса-чи? – кўнгли бўлинарди Женетнинг. – Бирор жароҳат олсанг, йўқолиб қолсанг ёки ўғирлаб кетишса-чи? Онанг сени ташлаб кетганимиз учун бизни кечирмайди, мен ҳам ўзимни кечирмасдим.

– Мен ўттиз икки йил Нью Йоркда яшаганман, етар. Ўзимни эплай оларман.

Мари пешонасини тириштирди:

– АҚШга учадиган чиптанг-чи?

– Бу ҳақда қайғурманг. Интернет орқали парвоз вақтини ўзгартирдим, меҳмонхонага ҳам айтиб қўйдим. Прагадан эртага учиб кетаман.

– Биз ҳам қолсак бўларди, – давом этди Ненси сафар халтасини тўғрилаб. – Балки, Венага кетмай биз ҳам учиш вақтини ўзгартирармиз? Шунда ҳаммамиз бирга қайтардик.

– Яхши фикр, – рози бўлди Мари.

– Бўлмайди, – бошини сарак-сарак қилди Дилан, – мени деб саёҳатнинг охирги кунлари йўққа чиқишини истамайман. Мен кап-катта қизман. Ўзимни эплоламан. Хуллас, кетаверинглар, ҳеч хавотир бўлманг.

– Аминмисан, азизам?

– Шубҳасиз. Венада вақтингиз хуш ўтсин. Икки кундан сўнг АҚШда кўришамиз.

Суҳбат бир муддат ўшандай алфозда давом этди, охир-оқибат кекса аёллар хотиржам бўлиб, поездга чиқишди. Дилан уларни вагонгача кузатиб қўйди, поезд силжигач, бошқа кузатувчилар билан бирга вагондан тушиб қолди.

Қизик, Дилан чиқиб кетгунича уни кимдир кузатаётгандек туюлди. Балки, Женетнинг хавотири бежизга эмасдир. Эҳтимол...

Дилан аланглаб, сайёҳлар орасидан ўлжасини излайдиган қаллобларга ўз хавотирини сездириб қўймасликка тиришди. Сумкасини қаттиқ кучоқлаб олди. Дилан жамоат транспортлари ўғрилар учун энг қулай жой эканини биларди. Чиқиш тарафдаги таксафон олдида йиғилган бир гуруҳ ўсмирлар, аниқроғи, киссавурлар унинг назаридан четда қолмади. Дилан уларнинг тўда бўлиб ҳаракат қилишларини эшитганди.

Дилан тинчини ўйлаб, уларни айланиб ўтмоқчи бўлди, ўз эҳтиёткорлигидан қувониб ҳам қўйди, нозирлар ўсмирларга яқинлашиб, тарқалишларини буюрганини эшитди. Дилан дадиллик билан ойнали эшикдаги катта метал тутқични ушлади.

Ва бирдан ойнада кимнингдир акси кўринди, қизнинг юраги тез уриб кетди.

Унинг орқасида, жудаям яқин масофада, ҳатто қўл етарли жойда бўйдор, бақувват эркак унга тикилиб турарди. Сочлари орасида ваҳшат тўла кўзлари ёнар, оғзи эса...

Дилан бундай жирканч табассумни ҳеч кўрмаганди. Бу ўша, Йичиндаги дахмада учратгани – дайди эди.

Наҳотки, уни кузатиб юрган бўлса? Кўринишидан шундай. Эрталаб Дилан уни кўрганда савдойи деб ўйлаганди. Қараб туришидан бу дайди аниқ руҳий хаста. Назарида, қизни қўллари билан парчалаб ташлашга ҳам тайёр.

Дилан кўрқувдан қичқириб юборди. У эшикдан отилиб чиқиб, дарҳол чапга бурилди-ю қоча бошлади. Кўз қирини ташлар экан, қиз баттар кўрқиб кетди.

– О, худойим, – пичирлади у.

Бу ўша жинни бўлиши мумкин эмас. У бу ерга келиб қолиши мумкин эмас.

Аммо туришидан худди ўзи.

Ваҳимага тушган Дилан ундан нима истайсан ўзи, дея сўрашни хаёл ҳам қилмади.

Аксинча, полициячининг ёнига чопди ва унинг қўлларида ушлаб ёлворди:

– Илтимос, ёрдам беринг! Мени кимдир қувлаяпти, – Дилан қўли билан дайди турган тарафни кўрсатди. – У анави ерда... қора йўлли узун ёмғирпўшда. Ўтинаман, ёрдам беринг!

Полициячи пешонасини тириштирди, аммо Дилан нима деяётганини тушунди чоғи, у кўрсатган тарафга қаради.

– Қаерда? – деди инглиз тилида базўр. – Кўрсатинг, сизни ким кўрқитди?

– Кимлигини билмадим, у орқамда турганди. Дарров пайқайсиз. У баланд бўйли, олти фут келади, елкалари кенг, сочлари қора ва юзини тўсиб турганди... – Дилан ўзини тутиб, ўша савдойини кўриш учун яқинроқ борди, уни маҳаллий жиннихонага олиб кетишларига умид қиларди.

Аммо дайди кўринмади. Дилан оломон ичидан қўйларни бўғизловчи бўридака одамни изларди, бироқ у ғойиб бўлганди. Хавотирга ҳожат йўқ: ҳамма ўз иши билан овора, ҳеч ким саросимага тушмасди.

Дайди худди ҳавога сингиб кетгандек.

– У шу атрофда бўлиши керак, – ғўлдиради Дилан келиб-кетаётган йўловчилар орасида дайдини кўрмаса-да, – Ишонинг, у шу ерда эди. У ортимдан кузатди.

Полиция ходими унга ўгирилиб майин жилмайганда Дилан ўзини тентакдек ҳис қилди.

– Ҳеч ким йўқ. Ҳозир кўрмаяпсизми?

– Йўқ... ҳаммаси яхши, – жавоб берди қиз хавотири аригач.

У секин чиқиш тарафга юрди. Бетакрор ёз оқшоми, осмон очиқ. Дилан такси тутиб, меҳмонхонага кетди.

Қиз ўзини дайди уни кўзлаб сағанадан чиқиб келмаганига, шунчаки кўзига кўринганига ишонтирарди. Барибир қиз таксидан тушганда сочлари кўркувдан тикка бўлганди. Ундаги хавотир ҳисси титроқ қўлларида хона эшигини электрон калитда очаётганда ҳам йўқолмади.

Дилан ниҳоят эшикни очди, ортидан эшитилган енгил шитирлаш уни орқага ўгирилишга мажбур қилди. У қараганда ҳеч нимани сезмади. Дилан хонага кириб, ғалати эсаётган совуқ шамолни сезди.

–Кондиционер, – деди ўзига ўзи чироқни ёқаркан.

Ўзига кулгили туюлса-да, эшикларни қулфлаб олди.

Дилан хонага бир неча қадам қўйиб, ичкарилагач уни кўрди.

Сағанадаги дайди, жинни, вокзалда уни таъқиб қилган одам ундан ўн фут нарида турарди. Ишониш қийин! Диланнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Кўркув ичра чинқириб юборди.

Олтинчи боб

Рио қизнинг оғзини ёпди, аммо у бақириб улгурганди. У сассиз ҳаракат қилар, бу вампирлар сулоласига хос хусусият эди. Рио қизни вокзалдан меҳмонхонагача кузатиб келди, ортидан хонага кирди. Қиз уни пайқамади, фақат енгил епкинни ҳис қилди, ҳозир эса нигоҳларида безовта савол акс этиб турарди.

Қиз бошини қимирлатиб, унинг кўлидан чиқишга уринди. Аммо эплормади. Оғзини Рионинг катта кафти ёпиб турарди.

– Жим, – амр қилди у нигоҳларини қизга тикиб. – Товушинг чиқмасин, тушундингми? Сенга зарар етказмайман.

Рио чиндан ҳам унга озор бермоқчи эмас, бироқ Дилан бунга ишонмасди. Қиз кўрқиб бутун танаси билан типирчиларди. Тилла ранг чизиқли катта яшил кўзлари унга ёввойи ваҳима билан боқар, бурунчаси катаклари талвасада пирпиради.

– Айтганимни қил, шунда бари яхши бўлади, – деди Рио унинг кўзларига қараб. У секинлик билан қизни бўш қўйди, қизнинг нафаси кафтини қиздириб юборганди. – Ҳозир кўлимни оламан, сен эса жим турасан. Келишдикми?

Қиз киприк қоқиб бош ирғади.

– Яхши, – Рио кўлларини олди.

Қиз бақирмади.

Рио унга ташланмади.

Қиз эркакнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари орасини тишлаб олди. Рионинг жаҳли чиқди, аммо бу оғриқдан эмас, қизни жим туришга кўндиролмаганидан эди.

Қиз ундан қочиб эшикка отилди, Рио унинг ортидан борди.

– Худойим! Йўқ! – бақирди қиз ва тиззаси билан ерга йиқилиб тушди, Рио уни ушлаб қолишга улгурмади.

Қиз титраб нафас олар, қаттиқ йиқилгани кўриниб турарди, аммо каршилиқ қилишдан тўхтамасди. Бу қиз жуда қайсар чиқди.

Ўзини қутқариб қолиш учун гиламда сирғалиб эшик томон судралди. Аммо вампирдан қочиб қутулишнинг имкони йўқ эди.

Рио унга ташланиб, ерга ёпиштирди.

Қизни ўгириб ўзига қаратиб олганда у оғир нафас олар, бор кучи билан кимирашга уринар, аммо ҳаракатлари беҳуда кетарди. У ҳатто биқинидан маҳкам сиққан кўллар исканжасидан ҳам чиқиб кетолмасди.

Ҳозир қиз бутунлай унинг ихтиёрига эди, энди шафқат кутиб бўлмасди. Риога қизнинг ўзи ҳақидаги таассуротларини билиш қийин бўлмади: Риодан ўткир ачимсиз ҳид келарди. Бундай яқин масофада юзидаги тиртиқ ҳам яққол кўриниб турганини биларди. Қиз Рионинг ўтган йили ёнғинда орттирган чандиғига қараганда кўзлари кўрқувдан ёнганини сездди. Таранг юзидаги беўхшов чандиқ қалин чанг ва кир билан қопланганди. Хойнаҳой, у ақлсиз махлуққа ўхшаб кўринаётган бўлса ажабмас...

Аммо у беақл махлуқ эмасди.

Шу лаҳзада Рио аёлнинг илиқ тафтини ҳис этди. Унинг титилган кийимлари қизнинг тоза ва бежирим кийим-бошига тегиб турарди. Қиз гўзал эди.

Рио ҳеч қачон бундай кўзларни кўрмаганди: тилла ранг тарамли ёрқин яшил тусдаги теран ва мафтункор нигоҳлар қалин киприклар остидан унга эҳтиёткорлик билан боқиб турарди. Майин чиройли юзи, енгил туртиб чиққан ёноқлари. У айни пайтда ҳам содда, ҳам ақлли кўринарди. Ҳаммасидан ҳам қизнинг кўзларидаги ифода қийноққа соларди.

Ушбу китобнинг давомини “Asaxiy Books” электрон китоблар дастури орқали харид қилиб ўқинг.

Китоб нархи: 9990 Сўм

“Asaxiy Books” дастуридан фойдаланиш учун қўлланма:

1. Google Play дастурлар дўкони орқали “Asaxiy Books” дастурини кўчириб оласиз: <https://play.google.com/store/apps/details?id=uz.asaxiy.asaxiybooks>
2. Ўзбекистон ҳудудида дастурга СМС орқали рўйхатдан ўтасиз, чет эллик фойдаланувчилар электрон почта орқали рўйхатдан ўтишади.
3. Ҳисобни Click, Payme, Paynet ёки UzCard тизимларидан бири орқали тўлдирасиз
4. Китобни харид қилиб, кўчириб олиб ўқийсиз.